

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ХУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ КУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИ

қўлёзма хуқукида
ББК: 15.56

БЕРДАЛИЕВ НИЗОМИДДИН ШЕРАЛИЕВИЧ

ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШНИНГ
МИЛЛИЙ-МАЊАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ихтисослик 09.00.10 - Сиёsat фалсафаси

Сиёсий фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

01.02.2004
15 06. 2004

ТОШКЕНТ-2004

Б

Диссертация Тошкент Кимё-технология институти «Фалсафа»
кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар: фалсафа фанлари доктори,
профессор С.О. Отамуротов

Расмий оппонентлар: сиёсий фанлар доктори.
профессор В.С.Ким
сиёсий фанлар номзоди
Л.Х.Тангриев

Етакчи ташкилот: Мирзо Улуғбек номли Ўзбекистон Миллий
Университети

Химоя Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва
жамият қурилиши Академияси қошидаги фан доктори илмий даражасини
олиш учун диссертациялар химояси бўйича Д.005.10.01. Бирлашган
ихтисослашган кенгашнинг 2004 йил «5 » июн куни
соат 14 даги мажлисида бўлиб ўтади. (700003, Тошкент шаҳри,
Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши Академиясининг кутубхонасида танишиш
мумкин.

Автореферат 2004 йил «4 » июн да тарқатилди.

Д.005.10.01. Бирлашган
Ихтисослашган Кёнгаш котиби
социология фанлари доктори
А.Ж.Холбеков А.Ж.Холбеков

Тадқиқотнинг умумий тавсифи

Муаммонинг долзарбилиги: Ўзбекистонда миллий давлатчиликни барни этиш, ҳамда демократик жамият куришла миллий-маънавий хусусиятларни хисобга олиш мустакиллик натижасидагина мумкин бўлди ва сиёсий амалиётда ўз ифодасини топмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Одамларимиз учун муқаддас бўлган маънавий ва диний қадриятларни тиклаш ва кўп асрлик олийжаноб урф-одатларимиз ва анъаналаримизга таяниб иш кўрганимиз қаддимизни ростлаш имконини берди»¹.

Миллий маънавиятни ривожлантириш ўз қадрига кўра жамият сиёсий ижтимоий ва маданий тараққиётининг орта қайтариб бўлмас жараёнига айланди. Мамлакатимизда очиқ ва тадрижий ривожланувчи сиёсий тизим яратилди. Бу эса ўз навбатида сиёсий ислоҳотларни ҳар томонлама чукурлаштириш, демократик жамият куриш учун қулай шарт-шароит юзага келтирди. Натижада Ўзбекистонда миллий маънавиятнинг тикланиши ва ривожланиши учун катта имкониятлар юзага келди. Улардан самарали фойдалансакина пировард мақсадимиз бўлган демократик жамият куришимиз мумкин бўлади.

Мустакиллик йилларида бу борада қўлга киритилган ютуклар ва амалга оширилаётган ишлар муаммоларнинг тўлалигича ҳал этилганлигини билдирамайди. Балки бугунги кунда давлатимиз мустакиллигини мустахкамлаши ва демократик жамият куриш борасида мухим вазифалар мавжудлигини эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Ана шундай вазифалардан бири демократик жамият куришда миллий маънавиятни тиклаш ва ривожлантириш ҳамда улардан кенг фойдаланишдан иборат.

Ўзбекистонда миллий давлатчилик назарияси ва амалиётининг устувор йўналишлари Президентимиз И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўз ифодасини топди. Ўтган киска вакт ичиде жамиятимизнинг барча соҳаларида бўлганидек, миллий маънавиятимизни тиклаш, ундан миллий давлатчилигимизни шакллантиришда фойдаланиш борасида ҳам жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Ўзбекистонда миллий маънавиятнинг шаклланиши ва ривожланиши қандайдир замон ва маконда чегараланган жараён эмас. Бу жараён бир томондан, узок даврларга бориб такалувчи миллий давлатчилигимизнинг сабокли тарихий тажрибасига таянган, иккинчи томондан эса умумжаҳон давлатчилиги маънавиятининг илғор жиҳатларини ижодий ўзлаштириш хисобига амалга ошмоқда. Ана шу икки жиҳатни уйгунаштириш мухим аҳамиятга моликдир. Шу жиҳатдан ёндашгандা, бутунги кунда сиёсий фанлар олдида турган энг долзарб муаммолардан бири мамлакатимизда миллий давлатчиликни шакллантиришнинг маънавий илдизлари, омиллари, асосий йўналишлари ва хусусиятларини тадқиқ килиши ва шу асосда галдаги вазифалар, йўналишларни белгилаб олиш

¹ Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чукурлаштириш ва фукаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Т: “Ўзбекистон”, 2002, 10-бет.

хисобланади. Миллий заминларга таянмасдан туриб, миллий манфаатларимизга жавоб бера оладиган демократик давлат куриб бўлмайди. Чунки миллий негизлар халқ томонидан яратилади ва умуммиллий қадриятларга айланади.

Муаммонинг долзарблигини кўрсатувчи яна бир жиҳат Ўзбекистонда демократик жамият куришда миллий маънавиятни шаклланишининг икки муҳим омил билан боғлиқлигидадир. Уларнинг биринчиси, худудимизда уч минг йиллик бой тарихий анъанага эга бўлган давлатчилигимизнинг миллий, сиёсий маданият маҳсули сифатида мавжуд бўлганлиги билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, бир юз ўттиз йил давомида миллатимизнинг ижтимоий табииатига ёт ҳамда унинг тарихий ўтмишига, сиёсий эволюциясига мутлоқо зид бўлган колониал тузум даврига хос мутелик асоратлари хисобланади. Лекин миллий-маънавий хусусиятлар давлатчилик анъаналаридан бегоналашибирдиди. Ўзимизга хос ва мос бўлмаган сиёсий тизим, давлат ҳокимияти тақсимланиши ягона мафкуравий негизга қўйилди. Бугунги кунда мазкур асорат «маъмурий байруқбозлиқ тизими» шароитида суюги котган айрим ижрочилар томонидан қарорлар қабул қилинишида, масъулиятни мустақил ўз зиммасига олган холда фаолият ва ташаббус кўрсата олинмаётганлигига, эски коммунистик тафаккур қолилларидан халос бўлиши кийин кечётганлигига кўринмокда. Уларни ҳал қилиш эса пироворд мақсадимиз учун амалий аҳамиятта эгадир. Шунинг учун ҳам уларни бартараф этиш йўлларини сиёсий жиҳатдан ўрганишни тақозо этмоқда. Чунки, у масаланинг сиёсий жиҳатларини кенг тахлил қилиш, маънавий заминларнинг ўрнини чукур англаш имкониятини яратади. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «...маълумки, ҳалкнинг маданий қадриятлари, маънавий мерос минг йиллар мобайнида Шарқ ҳалклари учун қадрли маънавий манбаи бўлиб хизмат килган. Узок давом этган каттиқ мафкуравий тазиикҳа қарамай, Ўзбекистон ҳалқи авлоддан авлодга ўтиб келган тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарни сақлаб қолишга мувофиқ бўлди»¹.

Мустақиллигимизнинг дастлабки қуиллариданоқ аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган давлат улкан, бебаҳо маънавий, маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган муҳим вазифа бўлиб қолди.

«Биз – дейди И.А.Каримов, – маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзликини англашнинг ўсишидан, ҳалкнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараён деб хисоблаймиз»². Ана шу концептуал гоядан келиб чиқиладиган бўлса, муаммо долзарблигининг яна бир жиҳати мустақил миллий давлатчилик асосларини яратиш шу миллий маънавиятни назарий ва амалий жиҳатдан тиклаш билан уйғунлигидир. Шу жиҳатдан мазкур жараён бир томондан миллий маънавиятимиз тарихий тараққиётини мукаммал, изчил, тадрижий – ривожланувчи характердаги яхлит ижтимоий-маънавий тизим сифатида кўрсатишни талаб қилса, иккинчи томондан, мазкур

¹ Каримов И.А. Ҳавфензик ва баркарор тараккиёт йўлида. Т.б. Т. “Ўзбекистон”, 1998. 125-бет.
² Каримов И.А. Истиқол ва маънавият-Т. “Ўзбекистон”, 1995. 524-бет.

жараёндаги ўзига хос хусусиятлар ҳамда ундан миллийлик билан тарихийлик, ворисийлик билан умуминсонийликни ўзида мужассам этувчи омил тарзида тадқиқ этишини тақазо этади. Худди ана шу мураккаб жараён ҳали сиёсий фанларда етарли даражада ўрганилмай келинмоқда.

Аслида мустақиллик йилларида миллий маънавиятни тиклаш ва ундан миллий давлатчилик курилиши жараёнида салмоқли ишлар қилинди ва унинг назарий асослари иштаб чиқилди. Мамлакатимиз давлатчилигининг XXI аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий тавсифлари фукаролар сиёсий фаоллиги ортиб янги қадриятлар билан бойиншида демократик жараёнларнинг шаклланиши, давлатнинг айрим функцияларининг босқичма-босқич нодавлат ташкилотларга ва фукароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига ўтиб бораётганлигига намоён бўлмоқда. Жамият сиёсий тизимида ўз-ўзини бошқариш институтларининг белгиловчиллик роли кучайиб, миллий маънавиятимизда моҳиятан улкан тикланиш ва ривожланишлар жараёнлари содир бўлмоқда. Буларнинг барчаси миллий давлатчилигимизни, демократик жамият курилишини янги асослари яратилишининг орта қайтариб бўлмас сиёсий таракқиёт палласига кираётганлигидан дарак беради. Бу эса ушбу жараёнларнинг ички мантиғини таҳлил қилишга эҳтиёжни оширмоқда. Шунга мувофиқ тадқиқот мавзуи бўйича илмий хуносалар ва амалий таклифлар иштаб чиқиш муҳим вазифа хисобланади.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда демократик жамият курища миллий маънавиятнинг хусусиятларини хисобга олиш масаласи мамлакатимизнинг сиёсатшунос, ҳукуқшунос, файласуф ва тарихчи олимлари томонидан турли даражада ўрганиб келинган. Бу соҳада илмий мақолалар, рисолалар, номзодлик ва докторлик диссертациялари ёзилган. Мазкур мавзуга алоқалор бўлган илмий ишларни назарий ва услугий асосларини икки тоифага ажратиш мумкин. Биринчиси мустабид совет даври, иккинчиси мустақиллик йилларини ўз ичига олади. Жумладан, В.А.Аулов, Е.М.Бабосов, П.А.Гринцер, В.Д.Диценко, В.Иванов, В.В.Журавлев, Ж.Коллингвуд, Е.И.Кукушкина, М.К.Кучмасева, А.Н.Макаров, Н.Ф.Петроченко, М.К.Петров, Р.Самсонов, А.К.Уледов, В.А.Ядов ва бошқаларнинг асарларида¹ миллий давлатчилик ва унинг маънавий заминлари эмас, балки зўравонликка асосланган совет давлатининг шаклланиши ва миллийликка зид бўлган социалистик маданият ўрганилган ҳамда идеаллаштирилган. Айникса, уларда бой давлатчилик тарихимизни бузуб кўрсатиш сабиқ марказ сиёсатидаги устувор мақсад бўлганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бунинг оқибатида

¹ Қаранг: Аулов В.А. Маданий мерос ва тарбия. Т.: “Ўзбекистон” 1989. Бабосов Е.М. Идеология в современном мире. Минск, 1984; Гринцер П.А. Қадимги эпос. М.: 1974; Диценко В.Д. Искусство. Духовная культура. Философия. Алма-ата, 1990; Иванов В. Идеология: характер и закономерности развития. М.: 1977; Журавлев В.В. Проблемы духовной жизни общества. Ростов-на Дону, 1972; Коллингвуд Ж. Идея истории. М.: «Прогресс», 1991; Кукушкина Е.И. Познание, язык, культура М.: Изд., 1985; Кучмасева М.К. Культурное наследие: современные проблемы. М.: “Наука” 1984; Макаров А.Н. Идеология в социалистическом обществе. Киев, 1986; Петроченко Н.Ф. Политическая идеология и её роль в обществе. Томск, 1988; Петров М.К. Язык, знак, культура. М.: “Наука”, 1991; Самсонов Р. Социональная психика и идеология. Ереван, 1970; Уледов А.К. Духовное обновление общества. М.: “Мысль”, 1990; Ялов. В.А. Идеология как форма духовной деятельности общества. Ленинград, 1990;

миллий давлатчиликнинг заминларига путур етказилди. Хусусан, миллий маънавий салоҳият давлатчиликни шакллантириша инкор этилди.

Мамлакатимизнинг ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин миллий давлатчилигимизни шакллантириш ва унинг маънавий заминларини мустаҳкамлаш масалаларини ўрганиш А.А.Азизхўжаев, А.Зиёев, Б.Ахмедов, Х.Бобоев, О.Хусанов, Н.Жўраев, Р.Жумаев, С.Отамуротов, И.Эргашев, А.Жалолов, Н.Комилов, М.Қирғизбоев сингари олимларимиз асарларида алоҳида ўрин эгаллади¹.

Бундан ташқари мазкур масалани ўрганишга багишланган сиёсий фанлар бўйича бир катор докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳимоя килинди².

Масалан бевосита бизнинг мавзумизга яқинроқ Т.Алимардоновнинг номзодлик диссертациясида мамлакатимизнинг мустақиллик шароитида жамиятнинг тоталитаризмдан демократияга ўтиш жараёни тахлил килинган³. О.Жумаев номзодлик диссертациясида эса миллий давлатчилигимизнинг шаклланиши, ривожланишида демократик тамоийларнинг қарор топишида маҳалланинг роли ва ахамиятининг ошиб боришига эътибор қаратилган⁴.

Бундан ташқари бошқа бир катор килинган номзодлик ва докторлик диссертацияларида ҳам тадқиқот мавзунинг у ёки бу томонлари очиб берилган.

Бизнинг тадқиқотимизда эса юқоридаги диссертацияларда ўрганилган масалаларни ечимидан келиб чиқилган ҳолда улардан фарқли ўлароқ асосий эътибор миллий давлатчилигимиз шаклланиши, демократик жамият куриш жараёнида миллий-маънавий салоҳиятдан самарали фойдаланишининг йўналиши ва механизмларини очиб беришга қаратилган.

¹Каранг: Азизхўжаев А.А. Давлатчилик ва маънавият. Т.: «Шарқ», 1997; Зиёев А. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т.: «Шарқ», 2002; Ахмедов Б. Тарихдан сабоқлар. Т.: «Ўқитувчи», 1994; Бобоев Х. Миллий давлатчилик хакида. Т.: 1999; Хусанов О. Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият. Т.: «Шарқ», 1996; Жўраев Н. Агар оғоҳ сен... Т.: «Шарқ», 1998; Жумаев Р. Сиёсий партиялар демократиз йўлида. «Жамият ва бонг'ару», № 3-4, 1999; Отамуротов С. Биз танлаган йўл. Унинг моҳияти нимада? «Фидокор», 22 ноябр 2001; Ҳокимият ва бошқарув, сиёсий партиялар, подавлат жамоат ташкилотлар ва демократия. «Фидокор», 19 декабр 2002; Отамуротов С.О., Отамуротов С.С. Ўзбекистонда маънавий руҳий тикланиш. Т.: «Инглис аср авлоди», 2003; Эргашев И. Тараккӣёт философаси. Т.: «Академия», 2000; Жалолов А. Мустақилик маъсумияти. Т.: «Ўзбекистон», 1996; Ҳаёт философаси ва фалсафа ҳаёти. «Мулоқот», № 5, 1997; Комилов Н. Навоий ва замонами. «Жаҳон араббети», № 2, 2001;

²Алимардонов Т. Мустақиллик шароитида жамиятнинг тоталитаризмдан демократияга ўтиши: назария ва амалиёт. с.ф.н и.д. олиш учун тайёрланган дисс. авт. Т.: 1998; Жумаев О. Ўзбекистонда миллий давлатчилигини ривожланиши хусусиятлари. с.ф.н и.д. олиш учун тайёрланган дисс. авт. Т.: 2001; Ҳ.Жуманиёзов. Мустақиллик ва миллий ривожланишининг маънавий-мағкуравий салоҳиятини шакллантириш муаммолари. с.ф.н и.д. олиш учун тайёрланган дисс. авт. Т.: 2000; Пахруддинов Ш. Дулёвий демократик давлатчини курилиши амалиётида линий экстремизм таҳдиди. с.ф.н. и.д. олиш учун тайёрланган дисс. авт. Т.: 2001; Эргашев И. Мустақил Ўзбекистон Республикасининг кишилоска доир сиёсати: назария ва амалиёт. с.ф.д. и.д. олиш учун тайёрланган дисс.авт. Т.: 1995; Шерниязова Г. Ўзбекистон Республикасида демократия ва сиёсий маднаниятнинг ўзаро муносабати муаммоси. с.ф.н. и.д. олиш учун тайёрланган дисс. авт. Т.: 2001; Таширисев Л. Ёшлар сиёсат субъекти. с.ф.н. и.д. олиш учун тайёрланган дисс. авт. Т.: 2001.

³ Алимардонов Т. Мустақиллик шароитида жамиятнинг таталитаризмдан демократияга ўтиши: назария ва амалиёт. с.ф.н и.д. олиш учун тайёрланган дисс. авт. Т.: 1998.

⁴ Жумасев О. Ўзбекистонда миллий давлатчилигини ривожланиши хусусиятлари. с.ф.н и.д. олиш учун тайёрланган дисс. авт. Т.: 2001.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистонда миллий давлатчиликни шакллантириш ва демократик жамият куришни таомиллантириш масалалари.

Тадқиқотнинг предмети - Ўзбекистонда миллий давлатчиликни шакллантириш ва демократик жамият куриш шароитида миллий-маънавий негизлардан фойдаланиш жараёни.

Тадқиқотнинг мақсади - Ўзбекистонда демократик жамият куришда миллий давлатчиликни шакллантириш, миллий-маънавий негизлар ва улардан самарали фойдаланишинг механизмларини, демократик жамият куришда миллий хусусиятларни намоён бўлиши жараёнини очиб бериш. Шу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни қўйиш ва ҳал килиш белгиланди.

Тадқиқотнинг вазифалари:

-«Миллий давлатчилик», «Демократия», «маънавият», «миллий маънавият», «демократик жамият куришни миллий-маънавий хусусиятлари» туپунчаларининг сиёсий мазмунини ёритиш;

-Миллий маънавиятнинг давлатчилик эволюциясида ворисликнинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш;

-Миллий маънавиятнинг демократик жамият куришдаги ўрнини аниклаш ва миллий ривожланишинг асосий устувор омилларидан бири эканлигини асослаш;

-Демократик жамиятнинг миллий-маънавий негизларини таҳлил этиш;

-Демократик тараққиёт қадриятлари, тамойиллари, меъёрларини асослаш;

-Ўзбек давлатчилигининг миллий маънавий хусусиятлари тизимини сиёсий таҳлил этиш;

-Демократик жамият курилишида миллий ва умуминсоний қадриятлар ўртасидаги ўзаро боғланиши механизмларини очиб бериш;

-Жамиятни демократиялашувида миллий онг ва миллий рухиятнинг миллий давлатчиликни шакллантириш, ривожлантиришдаги таъсирини кўрсатиш;

-Давлат ва жамият курилишида ўз-ўзини бошқаришга ўтишнинг миллий-маънавий хусусиятларини ёритиш;

- Ўрганилаётган масала бўйича тегишли хулоса ва таклифлар беришдан иборат.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари. Президент И.А.Каримов ишлаб чиқкан Ўзбекистонда миллий давлатчиликни шакллантириш, демократик жамият куриш жараёнида миллий-маънавий қадриятлардан фойдаланиш зарурлиги тўгрисида концептуал ғоялар, шарқ фалсафий меросида жамиятни бошқаришинг маънавий салоҳиятига бағишиланган фикр-мулоҳазалар ҳамда республикамиз олимларининг асарларида илгари суригтан ғоялар тадқиқотнинг назарий ва услубий асоси бўлди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги Ўзбекистонда демократик жамият курилишининг миллий-маънавий хусусиятлари, уни миллий давлатчиликни шакллантиришда акс этиши, жаҳон тажрибаси ва умуминсоний

қадриятларга таянилган холда сиёсий фанлар нуктai назаридан урганилганлиги билан боғлиқ.

-«Демократия», «маънавият», «миллий маънавият» тушунчалари сиёсий фанлар нуктai назаридан таҳлил қилинган;

-Миллий маънавиятни давлатчиликнинг курилиши жараённда ворисийлик жиҳатлари асосланган;

-Миллий маънавият демократик жамият куришда устувор омиллардан бири сифатида ёритилган;

-Демократик жамиятнинг миллий-маънавий негизлари сиёсий таҳлил этилган;

-Демократик жамият куриш миллий-маънавий қадриятлар, тамойиллар, мөъёrlар билан узвий боғликлиги ва намоён бўлаётганлиги асосланган;

-Ўзбек давлатчилигининг миллий-маънавий хусусиятлари, унда умуминсоний қадриятлар билан уйгун холда шакллананаётганлиги сиёсий жиҳатдан далилланган;

-Жамиятнинг демократиялашувида миллий онг ва руҳиятнинг ўрни, роли кўрсатилган;

-Давлат ва жамият қурилишида, давлатчилик ривожида ўз-ўзини бошқаришга ўтишининг миллий-маънавий хусусиятлари ёритиб берилган;

Назарий хуносалар ва амалий таклифлар иштаб чиқилган;

Юқоридагилардан келиб чиккан холла химояга куйидаги концептуал роялар илгари сурилди:

1. «Демократия» халқ ҳокимияти, халқнинг ҳокимиятни бошқаришда фаол иштирокини англатувчи тушунча ҳисобланади. Шунинг билан бир қаторда демократияга амал қилиш факат фукароларнинг ҳокимиятда иштирокини таъминланиши доираси билан чекланмайди, балки уларнинг қонунларга игоат қилиши, унга хурмат билан қарashi ва масъулиятини ҳам англатади. Конунларга хурматсизлик, уни менсимаслик демократиянинг барбод бўлишига олиб келади.

2. Маънавиятга сиёсий нуктai назардан қарабланганда жамиятнинг барча соҳаларини қамраб олувчи, ундаги барча сиёсий институтлар, нодавлат ташкилотларнинг барқарор ишлаши учун яратилган маънавий-мърифий вазият, мухит ва шароит ҳисобланади. Шу маънода маънавий юксалиш демократиянинг ривожланишини ҳам англатади. Маънавий кашшоқ жамиятда демократия ҳам бўлмайди.

3. Давлатчиликнинг миллий ўзига хослиги миллий урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар менталитетини ўзида мужассамлаштириш асосида вужудга келади. Улар миллат томонидан узоқ тарихий тараққиёт шароитида шакллантирилади ва шунинг учун ҳам улар миллатнинг маънавий салоҳиятига айланади. Давлатчиликни шакллантиришда улардан самарали фойдаланиш миллий давлатнинг вужудга келишига олиб келади. Шу маънода миллий негизларидан «узилиб» колган ҳар қандай давлатда барқарор тараққиёт ҳам бўлмайди. Миллатлар томонидан асрлар давомида яратилган энг илғор давлатчилик тажрибаларигина умуминсоний бойлик даражасига кўтара олади. Демакки, миллий давлатчиликни шакллантириш

бир вақтнинг ўзида ҳар бир миллатнинг энг илғор тажрибаларини ривожлантириш орқали давлатчиликни шакллантиришида янги имкониятлар билан бойиб боришни ҳам англатади;

4. Ўзбек ҳалқининг уч минг ийлилкдан ортиқ давлатчилиги тарихида жуда кўп илғор анъаналар, тамойиллар шаклланган. Уларда бугунги демократиянинг маълум элементлари ҳам мавжуд бўлган. Хусусан, давлатни бошқаришида жамоатчиликни фикрини ҳисобга олиш ва унга таяниш муҳим ўрин эгаллаган. Аммо, улар тоталитаризм зўравонлиги оқибатида кораланиб, поймол қилиниб келинган эди. Мустакилликни қўлга киритишимизгина ана шу илғор анъаналардан самарали фойдаланиш имконини берди. Уларни қайта тиклаш ва самарали фойдаланишимиз чинакам миллий давлатимизнинг вужудга келишига асос бўлади. Миллий заминлар асрлар давомида ҳалқ томонидан яратилади. У ҳалқ руҳияти ва маънавий оламининг ажралмас кисми ҳисобланади. Шунинг учун миллий давлатчиликни шакллантириш ва ривожлантиришида миллий заминлардан самарали фойдаланишга устуворлик бериш пировард мақсадни амалга оширишнинг асосий омили бўлиб қолаверади.

5. Жамиятнинг демократлашуви бир катор омилларга боғлиқ бўлади. Энг аввало, миллий давлатчиликни ривожлантириш асосида демократик жамиятни қуриш вазифасини амалга ошириш билан уйғун ҳолатда бўлади. Демократик жамиятни қуриш эса ўз навбатида фуқаролар фаоллиги билан боғлиқ. Бунинг учун уларда миллий онг ва руҳиятнинг барқарор ривожланиб бориши ҳамда мустаҳкамланиши зарур бўлади. Бу демократик жараёнлар ривожланиши учун зарур бўлган энг муҳим омиллардан бирини ташкил этади. Шунинг учун ҳам демократия билан миллий онг ва руҳиятнинг ўзаро уйғун ривожланишигина демократик жамиятнинг шаклланнишига олиб келади. Онги колок, руҳияти тушган миллат демократик жамиятни шакллантира олмайди. Зоро, демократик қадриятлар турли тартибсизликлар, бекарорликни келтириб чиқаришга каратилган ҳаракатларга эмас, конунларга онгли равишида итоат этишга хизмат қилувчи юксак онглиликка асосланади. Миллий онг ривожланиши эса миллий тараққиётнинг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Уни юксалиши миллатнинг демократик қадриятларни ўзлаштириш имконини беради.

6. Миллий давлатчилигимизни шакллантириш ва демократик жараёнларнинг ривожланиши фуқароларимизнинг сиёсий фаоллигини изчиллик билан ривожлантиришни талаб қиласади. Бу вазифани амалга оширишида ҳам миллий заминларимизга таяниш ўз самарасини беради. Айниқса азалдан мерос бўлиб келаётган «маҳалла» институти фаолиятини шакллантириш орқали, фуқароларнинг фаоллигини ошириш долзарб вазифа ҳисобланади. Аммо, бу «маҳалла»нинг ҳокимият ичидаги «ҳокимиятга» айланишига йўл қўйинг – деган гап эмас, балки айнан фуқароларнинг ихтиёрий уюшувчи асосида, бошқарув тизимини вужудга келтириши назарда тутади.

«Шу маънода ҳам бугун «маҳалла» институти фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилувчи янги имкониятларни излаб топишга эҳтиёж ошиб бормоқда. Бу жараёнда ҳам яна миллий меросимиз ва

заминимиздаги кенг имкониятлардан фойдаланишга эътиборни кучайтириш лозим бўлади.

Тадқикотнинг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқикот натижаларидан келиб чиқсан хуросалар, таклиф ва тавсиялар демократик жамият куришда миллий маънавиятни шакллантиришнинг тарихини ўрганишда, миллий-маънавий негизларни янада кенгроқ тадқик қилишда, миллий ўзлигимизни англаш жараёнининг маънавий жиҳатдан салоҳиятини оширишда, жамиятни ривожлантиришда миллий онг ва руҳиятни шакллантиришда ва ниҳоят кенг жамоатчилик ўртасида миллий давлатчиликка оиц тарихий хотирани, давлатчилик гояларини оммалаштиришда, ўз-ўзини бошқаришда миллийликка эътибор беришда назарий аҳамиятга эгалид.

Тадқикот натижаларидан Ўзбекистонда миллий давлатчиликни ривожлантиришга хизмат килувчи қонунларни ишлаб чиқишида, миллий маънавият мавзусида маърузалар ўқиш, ижтимоий гуманитар фан ўқитувчилари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимлари, малака ошириш муассасаларида ҳамда олий ўкув юртларидаги «Политология», «Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти», «Маънавият асослари», «Миллий истиклол гояси: асосий тушунча ва тамоийлар» фанларини ўқитишида фойдаланиш мумкин.

Тадқикот натижаларининг синовдан ўтганлиги. Диссертациянинг асосий концептуал гоялари, таклифлар Тошкент Кимё-технология институти «Фалсафа» кафедрасида ўтказилган мұхокамада ҳамда ушбу институтда ўтказилган анжуман ва давра сұхбатларидаги маъруза ва тезисларда баён қилинган. Шунингдек, Республика Маданият ишлари вазирилиги истикболни белгилаш, услугий ва ахборот республика маркази, Тошкент давлат Санъат институти томонидан «Мустакиллик йилларида ижодий кадрлар тайёрлашнинг долзарб масалалари» мавзусида ўтказилган (2004 й. май) республика илмий-амалий конференцияда, «Хаёт ва қонун», «Жамият ва бошқарув» журналларида чоп этилган мақолаларда ҳам ўз ифодасини топган.

Диссертациянинг тузилиши. Диссертация тузилиши жиҳатдан кириш, учта боб, олти бўлим, хуроса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Диссертациянинг асосий мазмуни

Диссертациянинг кириши кисмида тадқиқот мавзусининг долзарбилиги, ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифаси, илмий янтилиги, назарий ва методологик аҳамияти, объекти асослаб берилган ҳамда ҳимояята қўйилган концептуал ғоялар кўрсатилган.

Диссертациянинг биринчи боби «Демократик жамият қуришнинг умумназарий асослари» деб номланган. Унинг биринчи параграфи Демократик жамият ва миллий маънавиятнинг ўзаро муносабати: тушунча ва моҳияти деб номланади ва у сиёсий фалсафий нұктай назаридан таҳлил этилган. Демократия бизга инсон ҳақ-хукуқларини ҳимоя қиласиган, миллий, умумхалқ ва умумдавлат манфаатларини асрайдиган қонунларга таяниб яшашнинг шакли ҳисобланади. Демократияни англаш шахснинг ҳамма учун бирдай зарур бўлган қонунларига риоя этиши, аник таргивитизомга таяниб яшаш салоҳиятидир. Айни пайтда «демократия фақат назария ёки сиёсий жараёнгина бўлиб қолмай шу билан бирга ҳалкнинг турмуш тарзи ва унинг бутун руҳияти, анъаналари, маданияти, психологиясининг ҳусусиятлари ҳамдири»¹.

Тадқиқотда «демократия», «демократик жамият», «маънавият», «миллий маънавият», «демократик жамият қуришнинг миллий-маънавий ҳусусиятлари» тушунчаси унинг сиёсий мазмуни Ўзбекистонда жамият сиёсий ҳаётининг демократик моҳияти илмий таҳлил этилган. Демократия ва миллий маънавиятнинг бир-бири билан чамбарчас боғликлиги масалаларини сиёсат фалсафаси нұктай назаридан таҳлил этишига асосий эътибор қаратилади.

Тадқиқотда «демократик жамият» атамаси таҳлил этилиб, бу тушунча кенгроқ маъно касб этиши таъкидланган. Демократик жамият легандада жамиядада ўзаро муносабатларда, унинг барча соҳасида номоён бўладиган бағрикенглик, кенгашиб иш қилиш, муроса, турли фикрларни ёшлиш ёки тинглай олиш, турли ижтимоий гуруҳлар ва қатламлар билан, ҳалқ унинг ҳақ-хукуқлари, эркинлиги, маънфатларини уйғунлаштирумок, унинг устуворлиги таъминлаган жамиятидир. «Ҳалқ ҳокимияти» эса ҳалкнинг ҳокимиятнинг бошқарувида иштирок этиш даражасини англатувчи тушунча ҳисобланади. Аммо, уларнинг бирисиз иккичиси бўлмайди. Уларнинг уйғунлиги демократик жамиятга хос бўлган омилдир.

Шарқда демократия, демократик жамият тушунчаси ҳамжиҳатлик ғояси, жамоат фикрининг устуворлиги негизида шаклланса-да, шахс ҳақ-хукуқлари ва манфаатларини бирламчилиги эътироф этилади. Тўғрироғи, Шарқда демократик жамият шахс маънфатларини жамият манфаатлари уйғун бўлиши ғоясига амал килиб келган. Демократик жамиядада фуқароларнинг, фуқаролик институтларнинг ўрни ва роли устувор бўлиши

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: ҳавфисликка таҳлил баркарорлик шартлари, тараккиёт кафолатлари. Тошкент. «Ўзбекистон», 1997, 185-бет.

билин характерланади. Бу “кучли фуқаролик жамияти” мақсади билан ҳамоҳанг тарзда ўрганилган ва таҳлил этилган.

Таддикот ишида демократия сиёсий ижтимоий, ҳукукий, маънавий, ахлоқий тушунча эканлиги ва жамиятнинг ривожи демократик жараёнлар билан узвий боғлиқ эканлиги кўрсатилган.

Диссертацияда демократия ва маънавиятнинг узвий боғлиқлиги; маънавият демократик жамиятсиз бўлмаганидек, демократик жамият ҳам маънавиятсиз юзага келиши ва ривожланиши мумкин эмаслиги; жамиятнинг ижтимоий соҳасида демократик институтларни шакллантириш, сиёсий тизимни ислоҳ килиш ва демократиялаш жараёнлари таҳлил этилади.

Демократик жамият: 1) эркинлик; 2) фуқаролик; 3) давлат суверенитети; 4) миллий суверенитет; 5) миллий давлат; 6) ғоялар хилмалилиги тушунчалари билан боғлиқ.

Хозирги замон сиёсатшуносларининг фикрларига кўра демократик ҳукукий давлатни қуриш учун барча мамлакатларга хос бўлган умумий ҳусусиятлар мавжуд. Улар кўйидагилардир: 1. Сайловлар; 2. Сайлов натижаларини аниклаш усули; 3. Тенг ҳукуклилик; 4. Фикрлар эркинлиги; 5. Кўппартиявийлик; 6. Ўз-ўзини бошқариши.

Бизнинг республикамизда юқорида кўрсатилган демократик давлатларга хос бўлган асосий белгилар қонунда ҳам, амалда ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Демократиянинг моҳияти ҳақида гапирганимизда, аввало, ҳалқ ҳокимияти қурилиши ва унинг намаён бўлиши назарда тутилади. Ҳолбуки, демократиянинг институционал жиҳати сиёсий воқеаликни ифодалайди ва бунда ҳалқ ҳокимиятини амал қилиш механизми, демократик институтлар, жамият сиёсий тизимидағи бошқа элементларининг функционаллиги муҳим ўрин тутади. Шунингдек, демократиянинг сиёсий моҳиятини характерлашда сиёсий муносабатлар, унинг негизида ётган ҳукукий асослар муҳим роль ўйнайди. Ҳалқ ҳокимиятининг моҳияти ўзгариши билан қонунларнинг мазмуни ва мақсади ҳам тубдан ўзгари. Масалан: Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг чиқарилган барча ҳукукий меъёрлар Ўзбекистон ҳалқи, фуқароларининг манфаатларини ифодалаш, ўзининг ҳалқчиллиги билан характерланади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси иккинчи моддасида “давлат ҳалқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қиласди”¹ деб ёзилган. Кўриниб турибдики, унда давлат ва ҳалқ манфаатлари бир-бiri билан уйгунашган ҳолда ўз аксини топган. Бу демократик тамойилларга асосланиб барпо этилаётган, буюк келажак сари ҳаракат қиласётган Ўзбекистоннинг янги давлатчилигини ифода этувчи муҳим белгисидир.

Демократия жамият тараққиёти, унинг сиёсий, ҳукукий, маънавий жиҳатлари билан бирга ана шу жамиятни ташкил этган аҳоли умумий дунёкарашини ҳам ўзида мужассам эгади. Ҳар қандай давлат ўз ҳукукий асосига, сиёсий режимига, бошқарувдаги аниқ тамойилларига эга бўлмади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т: “Ўзбекистон”, 2003, 4-бет.

Айни пайтда фуқаролар ўз ҳак-хуқукларини химоя қилиш билан бирга жамият ва давлат олдиғаги, ўз мамлакати истикболи йўлидаги вазифалари ва бурчларини тўла англаб олмаган тақдирда демократия ўз моҳиятига эга бўла олмайди. Демократик жамият қуриш йўлининг тан олиниши инсоният ўз тарихий тараққиётида эришган ва эришаётган мухим ютугидир. Демократик жамиятни характерловчи умумэътироф этилган мезонлари мавжуд. Улар:

1. Конун устуворлиги; 2. Инсон хуқук ва эркинликларини эътироф этиши ва амал қилиши; 3. Кўпчилликнинг фикрига таяниш, айни пайтда озчиликнинг фикрини инобатга олиш; 4. Давлат ҳокимиятининг бўлиниши тамойлига амал қилиниши; 5. Конун чиқарувчи ҳокимият, ижро ҳокимияти ва суд ҳокимиятининг мустақил мавжуғлиги; 6. Халқларнинг, миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши хуқуқига эга бўлиши; 7. Сиёсий институтлар, фикрлар, фоълар хилма-хиллиги ҳам шулар жумласидандир.

Албатта, бу мезонларнинг шаклланиши ҳар бир миллатнинг менталитети билан боғлиқ бўлади. Уларни «зўрлаб» жорий қилиб бўлмайди. Унда ҳар бир халқнинг тараққий қилиш жараёнида табиий шаклланиши учун мавжуд бўлган шарт-шароит мухим аҳамиятга эга бўлади.

Диссертацияда демократик жамият қуриш фуқаролик жамиятини шакллантириш билан узвий боғлиқ ҳолда таҳлил этилган. Демократик жамият фуқаролик жамиятининг кўйи босқичи, унинг шаклланиши учун зарур бўлган база хисобланади. Уни амалга ошириш шарт-шароитлари, омиллари кўрсатилиган. Талқикотда “демократия” ва “маънавият”, “демократик жамият” ва “миллий маънавият” тушунчаларининг маъно мазмуни таҳлил этилиши билан бирга узвий боғликлigi ва демократик жамият қурилишида аҳамияти ҳам асослаб берилган.

Бизнинг фикримизча, демократия ва маънавият тушунчалари бир бири билан чамбарчас боғлиқ. Профессор А.А.Азизхўжаев таъкидлаганидек «... аҳоли энг аввало демократияга кўникиши, унинг маъно – моҳиятини англаши унга тайёр бўлиши эркинликни юксак ахлоқ, маънавият ва сиёсий онглилик мезонига, турмуш тарзига айлантириши керак»¹. Хусусан, мамлакатнинг бозор муносабатларига ўтиш жараёнида иқтисодий ҳаётда юзага келадиган муаммолар, инсонларнинг моддий бойлика бўлган интилишининг кучайиши содир бўлади. Бундай ҳолатда бу интилиш маънавий парокандаликка олиб келадиган бўлса, пировард мақсадга эришиб бўлмайди. Чунки, бу интилиш манфаатларнинг ўзаро тўкнашувига олиб келиши мумкин бўлади. Агар моддий ва маънавий бойликка интилиш уйғун ҳолатда содир бўлса, жамиятда юксалиш амалга ошади ва демократик жараёнлар ривожланади. Инсоният турли юксалиш даврларни ўз бошидан кечирганки, уларнинг барчаси маънавиятнинг ривожланиши натижасида вужудга келган.

¹ Азизхўжаев А.А. Давлатчилик ва маънавият. Т.: «Шарқ», 1997, 17-бет.

Ўзбек халқининг ҳозирги миллий маънавияти ва қадриятлари ўтмиш миллий маънавиятининг давоми бўлиб, уларга дўстлик, инсонпарварлик, мардлик, самимилик, она юртига садоқатлилик, халкига хурмат, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, инсофлик, ростгўйлик, миллий гурур, мустакилликни қадрлаш ва бошқа миллий-маънавий ахлоқий фазилатлар киради. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «бу эзгу мақсадларни рўёбга чиқариш учун юртимизда мавжуд бўлган салоҳият ва бойликларни ишга солиш улардан оқилона фойдаланиш, аввало, ўз куч ва имкониятимизга, ота-боболаримиздан колган бебаҳо мерос, миллий урфодат ва анъаналарга суюниш, қадриятларимизни тиклаш, бир-биримизга елқадош бўлиш эҳтиёжини халқимиз бугун ҳар томонлама тушуниб етди»¹.

Маънавият кент камровли тушунча бўлиб, жамият ва миллат равнақининг бош омилларидан бири ҳисобланади. Маънавиятнинг моҳияти, амалий аҳамияти айниқса, жамият ҳаётида туб ислоҳотлар амалга оширилаётган даврда яққол кўзга ташланади. Давлатнинг куч қудратини маънавий жиҳатдан баркамол бўлган кишилар белгилайди.

Ижтимоий тараққиёт моделлари қанчалик илмий-назарий асосланган бўлмасин, у халқ маънавиятига мос келмас экан, ўз самарасини бермайди. Жамият ўз маданий-маънавий имкониятларини ишга солмас экан, бирор натижага эриша олмайди. Ўзбекистон халки босиб ўтган йўлдан чиқарилаётган хуносалар маънавий-мағкуравий салоҳият омилининг миллий ривожланишдаги аҳамиятини янада муҳим қилиб қўймокда.

Миллий маънавият айнан мавжуд миллатнинг тарихий тараққиёт жараёнидаги ақлий ва руҳий кечинмалари, яратган билим хазиналари, бой тарихий тажрибалари, урф-одатлари, анъаналари, удумлари, қадриятлари мажмуудир.

Миллий маънавият давлат мустакиллигини мустаҳкамлаш, ўнинг фаровонлигини таъминлаш, халқаро ҳаётдаги ролини ошириш каби вазифаларни ҳал килишда асосий ўринда тутмоғи лозим. Шу маънода, фикримизча, у куйидаги хусусиятларга эга:

-миллий маънавият, деморатик жамият ва миллат равнақининг бош омилидир;

-бошқарувда маънавият восита бўлиб, унга тарихан ёндапиш мақсадга мувофиқдир;

-миллий маънавиятни умуминсонийлик ва минтақавий маънавият билан бирга ўзаро муштарак эканлиги;

Бугунги кунда бир неча муҳим тамойиллар борки, улар инсоният тарихий тараққиётининг ҳозирги босқичида маданий демократик давлатнинг асосий хусусиятларини ифодалайди. Булар:

-хукукий демократик давлат жамият тараққиётининг маҳсули, инсониятнинг буюк кашфиётидир. Давлат бу зарурий объектив реалик бўлиб, жамият мавжудлиги ва фаолиятининг ҳаётини адолатли ва хукукий асосда ташкил этишининг асосий шаклидир;

¹Каримов И.А. Ватанимизнинг тиҷслиги ва ҳафзизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлари ва букилмас иродасига боғлиқ. Т, “Ўзбекистон”, 2004, 8-бет.

-давлат бу шунчаки зарурий обьектив реаллик бўлибгина қолмай, у жамиятнинг эҳтиёжи унинг барча аъзолари учун муайян қадрият ҳамдир;

-демократик давлат айрим ижтимоий қатламлар гурӯхлар ва синфларга эмас, балки шахс ва жамият манфаатларига хизмат учун керак. У бутун шахс, ҳалқ ва жамият манфаатларини ифодалайди;

-демократик давлат ҳукукни, фаолият усуслари ва механизмларини такомиллаштирип, фуқаролик жамиятга тобора яқинлашиш йўлидан мунтазам ривожланиб боради;

-демократик жамиятнинг вазифаси инсон ва фуқаролар эркинликлари ва ҳукукларини кафолатлашдан иборат. Демократик тамойилларнинг тақомиллашуви фуқаролик жамияти куриш учун замин бўлиб боради.

Иккинчи параграф. «Демократик жамиятнинг миллий-маънавий негизлари» деб номланган. Унда демократик жамият курилишнинг вазифаларини амалга оширишда мамлакатнинг миллий маънавий негизларига таяниш заруриятини асосланашга ёътибор каратилган.

Диссертацияда демократик жамият ҳалқнинг ҳокимиятни идора этишининг инсон ҳақ-ҳукуклари ва манфаатларини устуворлиги нуктаи назаридан ёндашишнинг ўзига хос кўриниши эканлиги таъкидланади. Таракқиётнинг турли даврларида ўзини «демократик» жамият деб кўрсатган собиқ «социализм» жамият хаётига «давлат манфаати» нуктаи назаридан ёндашиб, ўзининг амалий ҳаётда нодемократик жамият эканлигини кўрсатди. «Демократия»га синфий ва партиявий нуктаи назаридан ёндашиш, айрим қатлам ёки тоифа манфаатидан келиб чиккан ҳолда курмоқчи бўлган «Социализм» ва «Коммунизм» гояси чекланган ва ҳақиқий демократик жамият талабларига тўғри келмаслиги ҳар томонлама таҳлил этилади. Уни тан олмаслик ва чеклаш ёхуд ҳастпушлашга уриниш жамиятни тараққиётта олиб бормайди, балки пароқандалик ва ҳалоката олиб келади. Бу йўлдан борган собиқ социализм мамлакатлари уни ўз бошидан кечирдилар. Бугун бу аччиқ тажриба барча мамлакатларга сабоқ бўлмокда. Собиқ СССРда курилган социализм аслида демократик тамойилларга зид бўлган ягона мафкура ва унинг раҳбарлари ҳукмронлигини таъминлаган жамият эди. Демократия эса фикрлар турли туманлигига асосланган, ҳар қандай ҳукмронликдан холи бўлган қадриятга таянади. Профессор И.Эргашев таъкидлаганидек «...демократия ўзига хос миллий хусусиятларга, қадриятларга таянса, ўзининг амалий самарасини беради»¹.

Тадқиқотда, миллий-маънавий негизларга демократик жамиятни белгиловчи муҳим омиллар сифатида қаралади. Жамият ўзини қанчалик демократик эканлигини таъкидламасин, ҳалқ (этнос)нинг миллатнинг тарихий ривожи билан боғлиқ бўлган, унинг ўзига хос жиҳатларини кўрсатувчи миллий-маънавий негизларини ҳисобга олмасдан демократик жамият куриб бўлмайди. Демократик жараёнлар миллий-маънавий хусусиятлар алоҳида аҳамиятта эга эканлиги жаҳон мамлакатлари тажрибаларида тасдиқланган. Миллий-маънавий негизларга таяниш

¹ Эргашев И. Уйдирма ва ҳақиқат. «Ҳалқ сўзи», 2004 йил 18 май.

зарурияти икки омил: биринчидан, халқнинг фаол иштироки натижасида юзага келиши; иккинчидан, халқнинг ўзи томонидан яратилганлиги боис унинг рухиятига ва турмушига яқинлиги билан боғликдир. Яъни, у кимлар томонидан «киритилмайди», балки жамият аъзолари томонидан яратиласди. Шунинг учун ҳам миллӣ-маънавий негизларга таяниш демократик жараёнлар ривожланишига ва бунда халқ оммасининг фаоллашувига ижобий таъсир ўтказади. Бу жараёнда халқ маънавий жиҳатдан бойиб боради. Бу эса ўз навбатида демократия ва маънавий ривожланишини йўғун боришига ижобий таъсир ўтказади. Шу жиҳатдан қараганда, диссертацияда миллӣ-маънавий негизлар кўйидагиларни ўз ичига олади: 1) миллӣ маънавий мерос; 2) миллӣ давлатчилик анъаналари; 3) миллӣ анъаналар ва қадриятлар; 4) миллӣ гоя ва мафкура; 5) миллӣ онг; 6) миллӣ ўзликинглаш кабилардир. Диссертацияда уларнинг ҳар бирининг миллӣ давлатчилик жараёнлардаги ўрни алоҳида асослаб берилган.

Шунинг билан бирга мустакиллик шароитида демократик жамият курилишида миллӣ-маънавий хусусиятлар билан бирга умуминсоний маданиятига таянган ҳолда амалта оширилиши тўғрисидаги муҳим концептуал қоида, бутунги Ўзбекистон жамияти тараққиёти, адолатли демократик жамият курилиши вазифаларини амалта оширишга асос бўлаётганлигига эътибор берилган.

Диссертацияда ҳар бир халқнинг маданияти, шу жумладан, Ўзбекистон халқининг маданияти, миллӣ-маънавий меросининг тикланиши ва ривожланиши унинг тарихий мавжудлигини, давомийлигини таъминлайдиган ва кафолатлайдиган қонуний жараён сифатида қаралади ва у илмий асосланади.

Ўзбекистоннинг мустакил давлат сифатида ижтимоий-иктисодий тараққий қилиши ва миллӣ-маънавий тикланишининг илмий асосларини ишлаб чиқиш ўта мураккаб ва масъулиятли вазифа эди.

Президент И.А.Каримов ишлаб чиккан концепциядаги муҳим ўйналини мустакил миллӣ давлатчиликни шакллантириш ва Ўзбекистонда демократик жамият куришида миллӣ-маънавий негизларга таяниш устувор ўринини ташкил қиласди. Бутун Ўзбекистонда курилаётган миллӣ давлатчиликнинг миллӣ-маънавий хусусиятлари кўйидагиларда намоён бўлмоқда:

- ўз тақдирини ўзи белгилайдиган, умумбашарий қадриятлар устуворлигига асосланадиган, инсонпарварлик қоидаларни тан олган демократик давлатлитиги;

- фуқаролар осоишиштаги ва миллӣ тотувликни таъминлашни ўзи учун максад қилиб қўйган тинчликсевар давлатлигиги;

- ўзбек халқининг бой миллӣ-маънавий меросига, миллӣ, маданий, аллокий, тарихий қадриятлари, миллӣ урф-одатлари, удум ва анъаналарига таяниб иш тутадиган инсонпарвар давлатлигиги;

- ҳозирги ва келажак авлодлар олдидағи юксак масъулиятни чукур англаб ва хис қилиб фаол ички ва ташки сиёsat олиб бораётган давлатлигиги;

- демократик қадриятлар миллий менталитет ва тараккиёт даражалари имкониятлар асосида эволюцион йўл билан шакллантирилаётган миллий давлатчиликда ўз ифодасини топмокда.

Қалимий Турон, Мовароуннахр, Туркистон ҳудудида арабларгача ва ундан кейинги давларда Сүф, Парфия, Тоҳаристон, Бақтрия, Ҷоюниён, Хоразм, Шош, Фарғона, сомонийлар, қораҳонийлар, салжукийлар, газнавийлар ва бошқа давлатлар бўлиб, жаҳон маданиятини ривожлантиришда катта из колдиришган. Аждодларимизнинг давлатчиликни шакллантириши ана шу тажрибалари мустақил миллий давлатчилигимизни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга эканлиги диссертацияда кўрсатиб берилди.

Ўзбекистонда барпо этилаётган янги давлат бир катор ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Ўзбекистонда ҳалқ ҳокимиятнинг бирдан-бир маңбаи бўлиб, у ҳалқнинг иродасини ифодалайти, унинг барча маңбаатларини химоя қиласди, орзу-ниятларини рӯёбга чикаришга ёрдам беради.

Ҳозирги Ўзбекистонда курилаётган давлатчилигимиз буюк маданиятимиз томирларига, қадими меросимиз илдизларига, ўтмишдаги бой анъаналаримизга асосланганлиги ва бошқа муҳим хусусиятларига кўра ўтмишдаги давлатлардан ажралиб туради.

Шунинг билан бирга амалга оширилаётган “Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятга ўтиш концепциясига таянган ҳолда миллий давлатчилигимиз маънавий меросига эътибор қаратилади. Улар: Авесто, Сиёсатнома, Ҳидоя, Қобуснома, Кутадгу билиг, Темур тузиклари, Мирзо Улуғбек, А.Навоий ва бошқа маърифатпарварлар асарларида узининг ифодасини топганилиги кўрсатиб берилган. Шунинг билан бирга улардан миллий давлатчилигимизни шакллантиришда самарали фойдаланиш асосланган.

Уларда демократик жамият атамаси бугунги қарашиб ва мезон даражасида бўлмасада, демократик жамиятга хос бўлган айrim хусусиятлар, қадриятлар яққол кўзга ташланади. Улар: 1) Конунга таяниш ва бўйсунинг; 2) Адолат тамоилига асосланиб иш кўриш; 3) Турли ижтимоий гурух, қатлам ҳак-хукуклари, маңбаатларини ҳисобга олиш; 4) Кенгашиб иш кўриш; 5) Сайлов кўринишлари; 6) Ўзига хос давлат ҳокимияти бўғинларитинг мавжудлиги; 7) Давлатни, эл-улусни ҳимоя қилиш; 8) Инсонийлик, меҳр-мурувват кўрсатиш, ҳар хил ободончилик ишларини амалга ошириш; 9) Жазо чоралари билан боғлик тартиблар, қоидалар шулар жумласидандир.

Биринчи бобнинг охирида таҳлилий фикрларга асосланиб, демократик жамият куришининг умумназарий асослари юзасидан қуйидаги хуросалар келтирилган:

«Демократия» ҳалқнинг ҳокимиятни бошқаришда фаол иштирок килиши, конукалар ижроси устидан назорат қилишининг даражалари билан боғлик бўлган тушунча у инсон ҳак-хукукларини ҳимоя қиласидиган миллий умумхалқ ва умумдавлат маңбаатларини асрайдиган қонунларга таяниб яшашнинг шакли ҳисобланади. Шунинг билан бирга демократияни англаш

шахснинг ҳамма учун бирдай зарур бўлган қонунларга риоя этиш, аниқ тартиб-интизомга таиниб яшаш салоҳиятидир.

-Шаркда демократия, демократик жамият тушунчаси ҳамжиҳатлик юяси, жамоат фикрининг устуворлиги негизида шаклланадиган, айни пайтда у шахс ва жамият манфаатларини ўзида уйғун ҳолатда намаён этадиган қадрият сифатида мавжуд бўлиб келган.

-Демократия ва маънавият узвий боғлиқ ҳолатда намоён бўлиб келади. Чинакам маънавий юксалиши демократиясиз бўлмаганидек, демократик жамият ҳам маънавиятсиз юзага келмайди. Маънавий юксакликнинг муҳим белгилари қаторида фуқароларнинг қонунларга итоат қилиши, унга амал килиб яшашлари, ҳамжиҳатлик, тартиб-интизом каби туйгуларининг мустаҳкамлиги кабилар ҳам асосий ўринни эгаллайди. Бу кўрсатичлар айни пайтда демократия шаклланган жамиятда юксалиб ва такомиллашиб боради.

-Ўзбекистонда барпо этидаётган янти миллый давлат ўзбек ҳалқининг авлод-аждоҳлари томонидан асрлар давомида шакллантирган давлатчилик қадриятларининг илғор анъаналарини ўзида мужассамлаштириш асосида юзага келаётган демократик давлат ҳисобланади. Миллый давлатчилик анъаналарнинг, хусусан, демократик қадриятларнинг айрим хусусиятларнинг мавжудлиги ва ундан бугун самарали фойдаланилаётганилиги мамлакатимизда демократик жараёнлари ривожланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Диссертациянинг иккинчи боби «Демократик жамият куришиша миллий онг ва умуминсоний тамоиллар муносабати» деб номланади. Унинг биринчи параграфи «Жамиятнинг демократиялашувида миллий онг ва руҳиятнинг таъсири» деб номланиб, бунда миллый онг ва руҳиятини шаклланиши ҳамда унинг демократик жараёнларга таъсири таҳлил қилинган.

Миллый онг ва руҳиятнинг шаклланиш даражаси жамият тараккӣётининг ривожланиш ҳолатини билдиради. Шу сабабли миллый онгнинг демократиялашиши ижтимоий тарихий моҳиятини чукурроқ англаш муҳим ҳисобланади. Айнан тараккӣёт нуктаи назаридан қарагандা тарихий тараккӣёт, сиёсий воқеиликни миллый онгда акс топишни ва аксигча бу жараён миллый онгни ўзида акс эттиришини кўришимиз мумкин.

Миллый онг тушунчасига таъриф бериш, унинг моҳият-мазмунини очиб бериш борасида Республика мизда тури соҳа олимлари изланишлар олиб бормоқдалар. Улар бу омилини турли кирраларини очиб беришга ҳаракат кильмоқдалар. Жумладан, проф. С.Отамуратов «Миллый онг – бевосита ҳар бир миллат ёки элатнинг узок тарихини этногенез даври, турмуши-тарзи, иктисадий ишлаб чиқариш усули, диний эътиқодлари, маданияти, бошка ҳалқларнинг бевосита таъсири туфайли шаклланган дунёкараси, иктисадий, сиёсий-ижтимоий ва маданий-мазнавий соҳаларда фаоллик даражаси»¹ - деб таърифлайди. Биз бу таърифга қўшилган ҳолда яна бир

¹ Қаранг: Мустақиллик. Изоҳли илмий – оммабон луғат. Т.: «Шарқ», 1998, 133-бет.

муҳим томонга эътибор бериш мақсадига мувоғиклир деб ҳисоблаймиз. Жумладан, фикримизча миллий онг миллатнинг турли йўналишлардаги «фаоллик даражаси» бўлиши билан бир вақтда, миллатнинг маънавий-руҳий салоҳияти ҳамdir. Чунки ана шу салоҳият бўлмаса, миллатда фаоллик ҳам етарли даражада бўлмаслиги ёхуд парокандаликка олиб келувчи стихияли фаоллик бўлиши мумкин. Маънавий-руҳий салоҳият ҳар қандай фаолликка онгли муносабатни шакллантиради ва миллатни барқарор тараққиётга олиб келади.

Диссертацияда миллий онг ва руҳиятнинг демократик жамият куришдаги ўрни ва аҳамияти илмий асосланади. Жумладан, муаллифнинг фикрича, миллий онг ривожланишининг миллат учун муҳимлиги ва муқаддаслиги шундаки, у миллат мустақилигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш, ор-номус, ғурур, ифтихор каби руҳиятларни мустаҳкамлаш, унинг истиқболи учун миллатнинг ҳар бир вакилида масъулликни оширишга хизмат килади. Шунинг билан бир қаторда миллий онг ва руҳият ҳар бир миллатни жаҳон цивилизацияси тизимида муносаби ўрин эгаллашга етаклади.

Бугунки кунда жаҳон цивилизацияси тизимида миллатнинг демократик кадриятлар сари ривожланиши муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланган шароитда миллий онг ва руҳияти ривожланган миллатни ана шу қадриятларни ўзлаштириши мумкин бўлади.

Тадқиқотда масалага ана шу жиҳатдан қаралиб, миллий онг ва руҳиятнинг мамлакатимизда содир бўлаётган демократик жараёнларга кўрсатаётган таъсири таҳлил қилинган.

Иккинчи параграф: [«Демократик жамият: тамойиллар, меъёрлар, шаклланиш механизми»](#) деб номланган бўлиб, унда Ўзбекистонда курилаётган давлатчилигимиз нафакат миллий-маънавий неизлари, айни пайтда умуминсоний тамойиллар, меъёрларга асосланганлиги ва демократик жамият куриш механизмлари таҳлил қилинган.

Ўзбекистон демократик ҳукукий давлат ва фуқаролик жамият куриш йўлини белгилаб олди. Мамлакатда давлат курилиши ва ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг тажрибаси республиканинг нафакат ўз ҳалки анъаналари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, айни пайтда ижтимоий-сиёсий ҳайётнинг жаҳон ҳалқлари тан олган умуминсоний тамойиллар ва меъёрларини ҳисобга олганлиги яққол намоён бўлмоқда. Уларни куйидаги йўналишларда кўриш мумкин: 1) ҳалқнинг эркин ҳоҳиш-иродаси; 2) фуқороларнинг тент ҳукуклари; 3) инсон ҳукукларининг устуворлиги; 4) конун чиқарувчи ҳокимиятнинг сайлаб кўйилиши; 5) уларнинг сайловчиларга бўйсуниши; 6) тайинлаш йўли билан шаклланадиган давлат органларининг сайлаб кўйиладиган органлар олдида ҳисоб беришга бурчлилиги; 7) ҳокимият ваколатларининг тақсимланганлиги тамойиллари киради.

Диссертацияда юкорида келтирилган тамойилларнинг Ўзбекистонда амалга оцини жараёни атрофлича таҳлил қилинган. Уларни илмий асослаш мақсадида, энг аввало, Ўзбекистонда амалга оширилаётган барча

ислохотларнинг хукукий асоси бўлган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига таянилган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатимизда жаҳон стандартлари талаблари даражасида демократик жамият куриш учун хукукий асос хисобланади. Унинг мазмун ва моҳияти демократик жамият куришга йўналтирилган ҳолда мамлакатимизда яшаётган барча миллат ва эзлат вакилларини манфаатларини ўзида ифода эттиради.

Диссертацияда мустақиллик йилларида Конституцияда белгиланган тамойиллар ва меъёрларга мувофиқ мамлакатимизда демократик қадриятлар босқичма-босқич ривожлантирилиб келинаётганилиги жонли мисоллар асосида кўрсатиб берилган. Жумладан, муқобил сайлов тизимиning шаклланганлиги, ҳокимият тармоқларининг вужудга келганлиги, сиёсий институтларнинг шаклланганлиги, ҳақкнинг ўз-ўзини бошкарувига ўтиш жараёни ва бошқа бир қатор омиллар таҳдил қилинган. Шунинг билан бир қаторда ҳали демократик жараёнлар ривожланиши мамлакатимизнинг бозор муносабатларига ўтиш эҳтиёжларидан орқада қолаётганилиги ҳам ҳокимият тармоқларининг етарли даражада мустақил фаолият кўрсатмаётганица, сиёсий шартияларнинг талаб даражасида фаолият кўрсатмаётганигига, Олий мажлис томонидан кабул қилинган барча қонунларни ҳам ҳаётда тўла амалга ошмаётганилиги каби салбий ҳолатлар мисолида асослаб берилган. Шунинг билан бир қаторда кељтирилган муаммоларни ҳал қилиш борасида Республикасидан амалга оширилаётган амалий ишлар ҳам кўрсатиб берилган.

Мазкур бобда масалалар таҳлилидан келиб чиқадиган хуносалар куйидагилардан иборат:

-Жамиятнинг демократлашуви жараёни омилилари қаторида мамлакат номи билан аталувчи миллатнинг онги ва руҳиятининг ривожланиш даражалари ҳам муҳим ўринни эгаллайди. У орқали миллый-маънавий хусусиятлар намоён бўлганлиги сабабли миллатнинг жамият ҳаётида содир бўладиган ўзгаришларга муносабати ана шу хусусиятларда ўз ифодасини топади.

-Миллый онг ва руҳиятининг ривожланиши жамиятнинг демократлашуви билан уйғун ҳолатда содир бўлади. Чунки онги, руҳияти ривожланган миллатгина жамият ҳаётида фаол иштирок қилишга ва унинг муаммоларини ҳал қилишга интилади. Бир томондан, миллый онг ва руҳиятининг ривожланганлиги жамият тараққиёти кўрсаткичларидан бирини ташкил киласа-да, у ҳали барча эҳтиёжларнинг тўла қондирилганлигини билдирамайди. Иккинчи томондан, миллый онг ва руҳият ривожланган» сари миллатнинг жамият ҳаётига «аралашувига ва уни бошқаришга бўлган эҳтиёжи ҳам ортиб боради. Демократик жараёнларга ана шу икки омил ўртасидаги ўзаро уйғунлик ўз таъсирини ўтказиб боради. Яъни, жамият миллый онг ва руҳият ўртасидаги муносабатлар узлуксиз жараён хисобланади.

-Жамиятнинг барқарор тараққий қилиши унинг демократлашувига боғлиқдир. Чунки, демократия инсоннинг эркин фаолият кўрсатишига, ўзининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини кондиришга шарт-шароит

яратиб бера оладиган, барча салоҳиятини юзага чикаришга ва улардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишига имконият яратиб беради. Шунинг билан бир каторда демократия фуқароларга тегишли масъулият юклайди, ҳамда уларнинг бўладиган жараёнларга масъуллигини ҳам ошириб боради.

-Демократия билан миллий онг ва руҳиятнинг ўзаро уйғун ривожланипни демократик жамият шаклланишига олиб келади. Онги қолок, руҳияти тушган миллат демократик жамиятни шакллантира олмайди. Чунки, демократик кадриятлар тури тартибсизликлар, бекарорликни келтириб чикаришга қаратилган ҳаракатларга эмас, балки қонуналарга онгли равишда муносабатда бўлишни, фуқароларнинг у билан яшашини хаёт кечиришини ўзида ифодаловчи омилга асосланади. Ана шу омилиниң реалиттика айланиши миллиатнинг барқарор ривожланиб боришини таъминлайди.

-Демократик жараёнлар ривожланишига бир тамонлама қараш, яъни уни факат миллий хусусиятларга боғлаб қўйиш ҳам тўғри бўлмайди. У инсониятнинг аксарият кўпчилиги томонидан қабул килинган тамойилларини ҳам ўзида мужассамлаштиради. Айни пайтда ана кўпчилик томонидан қабул килинган тамойиллар ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлмаган балки, у ёки бу миллат томонидан шакллантирилган ва у кўпчиликнинг манфаатларига хизмат килингандиги учун ҳам умумий аҳамият касб этган. Шу маънода ҳам бугун Ўзбекистондаги демократик жамиятни куриш жараёни миллий ва умуминсоний тамойилларни уйғунлаштириш асосида содир бўлмоқда. Ўз навбатида Ўзбекистонда шакллантирилаётган демократик жараёнларда миллий-маънавий салоҳиятни тикилаш ва ундан самарали фойдаланишига эътибор берилаётганлиги бугунги жаҳон демократик кадриятлари тизимининг бойиб боришига ўзининг ижобий таъсирини ўтказиши мумкин.

Диссертациянинг учинчи боби «Демократик жамият қуришда миллий-маънавий хусусиятларни намоён бўлиши» деб номланган. Унда маънавиятнинг миллий давлатчилик анъаналарида намоён бўлиши, ўз-ўзини бошқарувини миллий хусусиятлари таҳлил килинган. Унинг биринчи параграфи «Маънавиятни миллий давлатчилик анъаналарида намоён бўлиши», - деб номланган. Унда миллий маънавиятнинг давлатчилик анъаналарида намоён бўлиши, миллий давлатчиликнинг миллий-маънавий хусусиятлари, миллий-маънавий негизлари ва миллий давлатчилик анъаналари таҳлил килинади. Ўзбек миллий давлатчилиги ўзининг миллий маънавий илдизларига асосланади. Ушбу азалий анъанага мустақиллик ийлларида ҳам алоҳига эътибор берилиши мухим аҳамиятга эга бўлмоқда.

У, аввало, мамлакатимизда демократик жамиятни янги миллий-маънавий негизда шаклланишида намоён бўлмоқда. Жумладан, маърифий-маънавий ислоҳотлар давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб белгиланди. Жойларда миллий-маънавият билан боғлиқ таҷдирларнинг амалти оширилиши учун масъулиятни бевосита ҳокимлар, вазирликлар, идоралар ташкилотларнинг биринчи раҳбарлари зиммасига юклатилиши жула катта ижтимоий аҳамият касб этди. Яъни, маънавият жамият бошқаруви структурасига тизим сифатида киритилди. Иккинчидан,

маънавияти юксак миллат ва давлатнигина келажаги буюк бўлиши мумкин эканлиги тўғрисидаги ижтимоий фикр шаклланди. Дарҳақиқат, иқтисодий сиёсий омилларнинг ҳар қандай давлат, миллат ҳастидаги ўрни ва роли катта. Маънавий омилларгина жамиятда содир бўлган барча муаммоларни ҳал этишга кодир омил эканлиги мамлакатимиз тажрибасида тасдиқланмоқда.

Учинчидан, маънавият ва маърифат жамиятни соғламлаштирувчи омил эканлиги намоён бўлди. Унинг бу имконият мустабид совет тузуми давридан қолган синфий, маъмурий «маънавий» меросдан холос бўлишида истиқлолга хизмат қиласиган фуқароларни тарбиялашса, уларнинг қалби ва онгининг бойиши ва янги жамият курища фаоллаштиришда катта роль ўйнамоқда.

Тўргинчидан, истиқлол даври Ўзбекистон жамияти маънавиятининг энг муқаддас мақсадларидан бири ўтмиш тарихий маданий, илмий, ахлоқий-мағкуравий, ижтимоий-сиёсий қадриятларига советлар даврида таркиб топган муносабат каби “иллат” сифатида эмас, аксинча, янги жамиятни поклантирувчи ва келажакни маънавий жиҳатдан мустаҳкамловчи омил деб қарашнинг аҳамияти тадқиқотда атрофлича таҳлил ётилади.

Бешинчидан. истиқлол даврида маънавиятнинг ҳар қандай якка ҳукмрон мағкуралардан ҳолилиги, муҳими, шаклланётган миллий мағкуранинг маънавият билан уйғунлиги таъминланмоқда. Мустақиллик даврида бажарилиши лозим бўлган энг устувор вазифа ҳалқимиз орасида катта маърифий-амалий ишларни олиб бориб, миллий мағкурамизга куч-кувват берадиган, уни янги-янги мэрралар сари сафарбар этадиган, кең оммага таъсир ўтказишга, ҳалқни ўзига тарафдор этишга хизмат қиласиган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий манбаларни тўғри белгилаб олингандигидир.

Ўзбек миллий давлатчилигининг таянчи ўзбек ҳалқининг ўзиdir. Шу боис ҳам давлат сўзига «миллий ўзбек давлати», «миллий ўзбек давлатчилиги» қўшиб айтилади. Давлатни тузувчилар сулолабошилар, асосчилари шу ҳалқнинг, ўзбек миллатининг фарзандлариdir.

Миллий давлатчиликка қадар таракқиётда Амир Темур асос солган давлатнинг ўрни ва роли бениҳоя каттадир. Амир Темур ўз салтанатини барпо этишда, бир томондан, унгача мавжуд бўлган миллий давлатчилигимизнинг барча прогрессив томонларини ўзида мужассамлаштирган, иккинчидан, ўз даврининг талаб ва заруриятига тўла жавоб бера оладиган сиёсий тартибларни жорий этган. У ўз тузукларида: «Мен ўз салтанатимни дину ислом тўра ва тузук асосида мустаҳкамладим. Салтанатни бошқаришда учраган ҳар қандай воқеа ва ишни тузук асосида бажардим»¹ - деб таъқидлайди.

Ўтмишда дехконлар, чорвадорлар, ҳунармандлар, савдогарлар, қурувчилар, қўшин ва руҳонийлар миллий давлатчилигимизнинг таянчлари бўлган. Бундан кўриниб турибдики, миллий-маънавий заминлардан маҳрум бўлган давлат ривожлана олмайди. Шунинг учун ҳам миллий

¹ Темур тузуклари. Тоиткент, “Фоғур Ғулом” 1991, 15-бет.

давлатчиликни уштаб турувчи, ривожлантирувчи, уни ўзгаларга «мен»лигини кўрсатувчи омиллар қаторида миллий-маънавий анъаналар етакчи аҳамиятга эга бўлиб колаверади. Диссертацияда ўзбек давлатчилиги миллий-маънавий анъаналарининг бугун шаклланашган мустақил демократик давлатчилигимиздаги ўрни асослаб берилди.

Диссертациянинг учинчи бобининг иккинчи параграфи «Жамоатчилик ва ўзини-ўзи бошқаришнинг миллий-маънавий жихатлари» деб номланган. Ўзбекистоннинг миллий давлатчилигини миллий давлатчилигимизда алоҳида шахс билан жамоатчилик тоялари, жамоа манфаатларини кўпчиликнинг фикрлари уйғулиги муҳим аҳамиятга эга эканлиги кўрсатиб берилган. Жумладан:

-Миллий давлатчилик тараққиётида маҳалла, жамоатчилик кенгашларининг, ўз-ўзини бошқариш ролининг муҳим бўлганлиги;

-Ўзбек миллий давлатчилигига оиласнинг ўрни муҳим аҳамиятга эга эканлиги ва қадрланиб келганлиги кабилар кенг таҳлил қилинган.

Маълумки, маҳалла катта-ю кичикнинг ёшу карининг лавозимидан қатъи назар барчанинг бирдек ватани, у қадим-қадимдан эзгулик бешиги, тарбия ўчоги, миллий удумлар, урф-одат ва анъаналар шаклланган маскан бўлиб келган. Бағрикентлик, ўзаро меҳр-оқибат, хурмат, инсонийлик фаолиятлари айнан маҳалла муҳитида камол топади.

Ўзбек миллий табиатига жамоавийлик хос бўлиб, маҳалла унинг асоси ҳисобланган. У маҳаллий ҳамжамиятларнинг, маҳалла ўз-ўзини бошқаришнинг шакли бўлиб, унда миллий хусусиятлар ўз ифодасини топган.

Жамиятни бошқарища маҳалла унинг ўзига хос миллий-маънавий негизларидан бири бўлиб, ҳудудий нуктан назардан караганда муҳим аҳамиятга эга. Инсоннинг яшаш шароити, унинг жамият билан бўлган муносабати, ўз фаолиятини жамоадаги тартиб-қоидалар билан мувофиқ ҳолда ташкил этиш муҳим ўрин тутади. Маҳалла инсон дунёга келадиган, тарбияланадиган ва, одатда, ўзининг бугун ҳётини ўтказадиган макон ҳисобланади. Чунки, маҳалла жамоаси нафакат маънавий озука берувчи институт, шунинг билан бирга, инсонни ҳар қандай шароитда қўллаб-куvvatлайдиган, уни улуғлайдиган ташкилот ҳамdir.

Диссертацияда ўзбек миллатини ўз-ўзини бошқариш анъаналарида маҳалла институти алоҳида аҳамиятга эга бўлиб келаётганилиги мамлакатимизнинг ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин уни янада ривожлантиришга қаратилган конунларнинг қабул қилиниши ва уларни амалга ошириш жараёнлари кўрсатилиб берилган. Уни ривожлантириш борасида қўлга киритилган ютуқлар билан бир қаторида вазифалар ҳам мавжуз эканлигига эътибор қаратилган. Жумладан, унинг фаолиятига ҳокимиятнинг асоссиз равища аралашувининг мавжудлиги ёки унинг бъязи холаттарда ижрочи органга айланиши, омма билан, айникса, ёшлар билан якин алоқада бўла олмаётганилиги тўғрисидаги муаммолар таҳлил қилинган. Айникса, оила ва маҳалла уйғулиги масаласига катта эътибор қаратилган. Жамиятнинг, давлатнинг, инсоннинг келажаги оиласдан бошланади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида: «Оила жамиятнинг асосий

бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳукукига эга... Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза килинади¹ деб белгилаб кўйилган.

Оила давлатнинг асосий таянчи ҳисобланади. Унинг тинчлиги ва фаровонлиги давлатнинг барқарор тараққиётини таъминлайди. Оила маълум маҳаллада жойлашган бўлиб, у ўрнатган тартиб-интизомларга риоя килади. Бу азал-азалдан ўзбек оиласини асосий қадриятларига айланиб келган. Худди ана шу қадриятларни жамоатчиликнинг умумий фикрлар асосида ривожлантириб бориш бугун Ўзбекистонда курилаётган демократик жамият учун долзарб йўналиш бўлиши лозимлиги диссертацияда илмий асослаб берилган.

Мазкур бобда кўйилган масалаларнинг анализи бўйича қўйидаги хулосалар килинган:

-Ўзбек давлатчилиги анъаналари шаклланиши узоқ тарихий даврга бориб тақалади. Унинг шаклланишидаги характерли ҳусусият маънавият омилиниң устувор бўлиб келганлиги билан боғлиқ. Яъни, жамиядга барқарорлик, тинчлик, бафрикенглик, фуқаролар ўтасида тотувлик, инсонийлик ва жамоа фикрларини ҳисобга олиш каби маънавиятнинг мухим кирралари ўз ифодасини топган.

-Мустақиллик йилларида миллий давлатчиликни шакллантириш жараёнича ўзбек давлатчилигини юзага келтириш борасида авлод-ажходларимиздан мерос бўлиб қолган илғор миллий-маънавий анъаналардан самарали фойдаланиш давлат сиёсатида устувор ўринни ташкил киради. Бу айниқса, фуқароларнинг умумий маънавий-маърифий савиясини кўтариш, сиёсий онгини ўстириш уларга эркин фикрлаш мухитини яратиш, ўзаро тотувлик ва бафрикенглик каби қадриятлар асосида вазминлик билан демократик жамиятни куриш вазифаларини амалга оширишда намоён бўлди.

-Ўзбекистонда курилаётган демократик жамиядга миллий давлатчилик анъаналаридан самарали фойдаланишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати томонидан миллий-маънавиятни тиклаш, уни ахоли дунёкарашининг ажралмас қисмига айлантиришга асос бўладиган бир қатор фармонлар ва қарорларнинг қабул килиниши ҳамда уларнинг реал амалиётга татбиқ килиниши мухим аҳамиятга эга бўлди. Бугун уларнинг натижаси сифатида ўзбек давлатчилиги ўзининг миллий «қиёфаси»га эга бўлиб бормоқда ва у жаҳон демократик қадриятлар тизимига кириб бормоқда.

-Ўзбек давлатчилиги анъаналарида жамоа фикрини ҳисобга олиш мухим ўринни эгаллаган ва ўз навбатида бугун мамлакатимизда демократик жараёнлар ривожланишига ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда. Жамоанинг фикрини ҳисобга олиш ўзбек давлатчилиги анъаналарида маҳалла институти орқали амалга оширилган. Бугун худди ана шу қадрият Ўзбекистонда демократик жараёнларни чукурлаптириш, фуқароларнинг

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конистиг'утияси. Т., «Ўзбекистон», 2003, 12-13-бетлар.

давлатни бошқаришга фаол иштирокини таъминлашда ўз самарасини бермоқда.

-Демократик жараёнлар ривожланиши ўз-ўзидан содир бўлмайди, балки, унга таъсир кўрсатувчи омиллардан самарали фойдаланиши талаб этилади. Аммо, ҳокимиятнинг бу жараёнда асоссиз равишда аралашуви ҳам кутилган натижага бермайди. Жумладан, унинг ўз-ўзини бошқаришнинг яккот кўриниши бўлган маҳалла фаолиятига ўринисиз аралашуви, унга кўрсатмалар бериш ҳам маҳалланинг ҳокимиятга карашли бўлган ташкилотта айланиб қолишига ва оқибатда фаолиятининг сусайиб кетишига, фуқароларнинг ҳам унга уюшишига салбий таъсир ўтказиши мумкин.

-Мамлакатимизда тинчлик, барқарорлик ва таракқиётни таъминлашда оила ва маҳалла ҳамкорлигини мустаҳкамлаш мухим аҳамиятта этадир. Айни пайтда у демократик жараёнлар ривожланишига ҳам ўзининг ижобий таъсирини ўтказади. Чунки тинчлик ва барқарорлик демократик жараёнлар учун зарур бўлган омил ҳисобланади.

Диссертациянинг хуроса қисмида Ўзбекистонда демократик жамиятнинг шаклланишида миллий маънавиятни жамият сиёсий таракқиётидаги узлуксиз жараён сифатида кўрсатилиб, ўзбек давлатчилигининг асосий миллий-маънавий ҳусусиятлари сиёсий таҳлил этилган. Ўзбекистонда миллий маънавият сиёсий жараёнларни демократлантириш ва эркинлаштиришни ўз ичитга олган кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятга ўтиш жараёнининг мамлакатимизга хос бўлган жиҳатлари тўғрисида назарий хуроса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот ишининг асосий мазмуни қуйидаги чоп этилган ишларда ўзининг аксини топган;

1. Демократик жамият ва миллий маданият // Ҳаёт ва қонун 2001 й., 6 сон, 67-68 бетлар.
2. Демократия ва миллий тикланиш жараёни // Жамият ва бошқарув 2002 й., 6-сон, 54-55 бетлар.
3. Сиёсий тизимда маънавият. // 1997 й., Тошкент Кимё-Технология Институти илмий-назарий анжуман материаллари, 22-бет.
4. Ўзбекистонда миллий тарихий меросни, қадриятларни ривожлантириш сиёсати. // 1998 й., Тошкент Кимё-Технология Институти илмий-назарий анжуман материаллари, 29-бет.
5. Миллий уйғониш манбалари ва миллий мерос. // 1999 й., Тошкент Кимё-Технология Институти илмий-назарий анжуман материаллари 23-бет.
6. Мустақиллик йилларида ёштар маънавиятини ривожлантириш сиёсати. // 2000 й., Тошкент Кимё-Технология Институти илмий-назарий анжуман материаллари, 90-бет.
7. Миллий урф-одатлар ва анъаналарни такомиллаштириш маънавий юксалиш зарурияти. // 2000 й., Тошкент Кимё-

Технология Институти илмий-назарий анжуман материаллари, (хаммуаллиф) 107-бет.

8. Мизлій давлатчылыкни ривожлантиришда комил инсон гоясияннг ақамияти. // 2001й., Тошкент Кимё-Технология Институти илмий-назарий анжуман материаллари 123-бет.
9. Ёшларни миилдій-маънавий рухда тарбиялашда маҳалланынг ўрни. // 2004 йил май, Тошкент давлат Санъат институты томонидан «Мұстакиллик йылларыда ижодий кадрлар тайёрлашының долзарб масалалари» мавзусида үтказылған республика илмий-амалий конференцияси материаллари, 72-74-бетлар.

СИЁСИЙ ФАНЛАР НОМЗОДИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИГА ТАЛАБГОР БЕРДАЛИЕВ НИЗОМИДДИН ШЕРАЛИЕВИЧИНГ 09.00.10 – СИЁСАТ ФАЛСАФАСИ ИХТИСОСЛИГИ БҮЙИЧА “ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШНИНГ МИЛЛИЙ МАЛНАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ” МАВЗУСИДАГИ ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ

КИСҚАЧА МАЗМУНИ

Калитли сўзлар: Демократия, демократик жамият, миллий давлатчилик, маънавият, миллий-маънавият хусусиятлар, миллий онг, миллий руҳият, маҳалла, ўзини-ўзи бошқариш.

Тадқиқот объекти: Ўзбекистонда миллий давлатчиликни шакллантириш ва демократик жамият қуришнинг миллий-маънавий масалалари ҳисобланади.

Ишнинг мақсади – Ўзбекистонда демократик жамият қуришда миллий-маънавий негизларга таяниш ва улардан самарали фойдаланишининг механизмларини, миллий хусусиятларининг намоён бўлиш жараёнини сиёсий-фалсафий нұктаи назардан таҳдил этипдан иборат.

Тадқиқотнинг методи: Сиёсий-фалсафий таҳдил, изчиллик, ворисийлик, тарихийлик ва мантикийлик, киёсий таққослаш.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: – Ўзбекистонда демократик жамиятни қуришнинг миллий-маънавий хусусиятлари, унинг миллий давлатчиликни шакллантиришда акс этиши, ўзига хос ва мос демократик жамият қуриш конуниятидан келиб чиққан ҳолда жаҳон тажрибаси ва умуминсоний қадрятларга таянилган ҳолда ўрганилганини билан боғлиқ хulosалар, амалий таклиф ва тавсиялардан иборат.

Амалий ахамияти: Тадқиқот хulosалари Ўзбекистонда миллий, демократик давлатчиликни ривожлантиришда, давлат ва жамият бошқарувида мухим ўрин тутади.

Татбик этиш даражаси: Тадқиқот натижаларидан ижтимоий-сиёсий фанларни ўқитишида, жамият ҳайтини демократлаштириш ва бошқарув билан боғлиқ соҳаларда фойдаланиш мумкин.

Кўлланиш соҳаси: давлат ва жамият қурилишида фаолият юритаётган жамоат бирлашмалари, иниститутлар, ўз-ўзини бошқариш ишида хulosалари ўрганилиб, амалда кўллаш мумкин.

Резюме

Диссертации Бердалиева Низомиддина Шералиевича на тему “Национально-духовные особенности построения демократического общества в Узбекистане” на соискание учёной степени кандидата политических наук по специальности 09.00.10 –политическая философия

Ключевые слова: демократия, демократическое общество, национальная государственность, духовность, национально-духовные особенности, национальное сознание, национальный дух, махалля, самоуправление.

Объект исследования: национально-духовные аспекты формирования национальной государственности и построения демократического общества в Узбекистане.

Цель работы: анализ в политико-философском аспекте национально-духовных основ построения демократического общества в Узбекистане и механизмов эффективного их использования, а также процесса проявления национальных особенностей.

Метод исследования: политico-философский анализ, логическая последовательность, преемственность, историчность, сравнительный анализ.

Полученные результаты и их новизна: выводы, практические предположения и рекомендации сделаны на основе изучения национально-духовных особенностей построения демократического общества в Узбекистане, их отражения в формировании национальной государственности, а также отражения мировой практики и общечеловеческих ценностей в закономерностях своеобразного построения демократического общества в Узбекистане.

Практическая значимость: результаты исследования смогут сыграть важное значение в развитии национальной демократической государственности в Узбекистане, а также в сфере государственного и общественного управления.

Степень внедрения: результаты исследования могут быть использованы в преподавании общественно-политических наук, а также в сферах, связанных с демократизацией жизни общества и управления.

Область применения: материалы исследования могут быть изучены и практически применены общественными объединениями, институтами, деятельность которых связана с государственным и общественным строительством, а также в организации самоуправления.

Summary

on the dissertation work of Berdaliev Nizomiddin Sheralievich on the theme: «National and spiritual peculiarities of a democratic society construction in Uzbekistan)). Presented for obtaining a scientific degree - candidate of political sciences on specialty 09.00.10 - political philosophy

Keywords: democracy, democratic society, national statehood, spirituality, national and spiritual peculiarities, national consciousness national spirit, makhalla, self-government.

The subject of the research: national and spiritual aspects of the formation of a national statehood and the construction of a democratic society in Uzbekistan.

The purpose of work: analysis of the national and spiritual grounds of the construction of a democratic society in Uzbekistan and the mechanism of its effective use and also the process of national peculiarities' actings in political and philosophical aspect.

The method of research: political and philosophical analysis, logical concession, availability, historical approach, comparative analysis.

The results and innovations: conclusions, practical suggestions and recommendations are made on the basis of studying national and spiritual peculiarities of the construction of a democratic society in Uzbekistan, its reflection in the formation of the national statehood and also the reflection of the world practice and common human values in the regularities of its original construction of a democratic society in Uzbekistan.

The practical importance: the results of the research will be able to play an important significance in the development of the national democratic statehood in Uzbekistan and also in the sphere of state and public government.

The level of the instillation: the results of the research can be used in teaching of public and political sciences and also in the spheres connected with democratization of a society and government.

Application field: the materials of the research and conclusions made in it can be studied and practically used by public unifications, institutes, the activity of which is connected with state and public construction and also in the organizations of self-government.

Босиңға рұхсат этилді 04.06.2004.
Хажомы 4.8 б.т. Буюртма 45.
Адада 100. ТопКТИ разографида
күпайтырылды.